

ТАГЎРНИ КАНДАЙ ТАНИЙЛАР?

Хиндистон ва балки бутун дунёнинг бу кунги улуг адиб ва шоири бўлгон Рабиндранат Тагўрни маданий оламнинг хаммаси танийдир. Маданий оламга нисбатан анча кетда бўлгон бугунги турк-тотор шўро жумхуриятлари халклари ҳам уни анчадан бери танийдирлар.

Мундан роса 12 йил бурун (1913 йилда) чиккан «Шўро» мажмуаси дунёда энг ўткур адибга берилатургон Нўбил мукофотининг хиндистонли Тагўр деган кишига берилганини ёзиб чиқади. Мундан 6—7 йил бурун Козон шаҳрида Шаркнинг улуг шоирлари тўғрисида бир рисола чикди, ўша рисолачада — агар янглишмасам — Умар Хайём билан бирга Тагўрдан ҳам гапирилган ва унинг баъзи бир парчалари таржима килингон эди. Бокуда чикатургон «Маориф ва маданият» мажмуасининг мундан 2 йил бурунги нусхаларида дўктур Саъдитдин томонидан Тагўрнинг баъзи бир нарсалари сочма йўли билан таржума килинди ва ўзи тўғрисида бироз маълумот берилди.

Бизнинг ўзбек ўқиғучилари эса мундан бир йилча бурун «Инкилоб» мажмуасининг бир сонидида маоли Тагўрдан олингон «Чироглар» деган шеърни ўқудилар. Ундан кейин мана бу мажмуанинг ўтган сонидида каминани Тагўр тўғрисидаги мулоҳазаси билан бирга унинг болаларга атаб ёзгон шеърларининг сочма таржимасини кўрдилар. Лекин, бизнинг ўзбек ўқиғучилари Тагўрнинг кимлигини, зотини ва аслини хали била олгонлари йўк; газета ва мажмуаларнинг ўз сўзи билан айтсак, ўзбек тилида Тагўрнинг «таржумаи холи» чиккани йўк. Бу сафарги мусохабамиз ўша камчиликни тўлдирмок ниятида ёзиладир.

Тагўрнинг «таржумаи холи»ни топиш кўп кийин бир иш бўлди. Нимага десангиз, унинг хамма асарлари дегундай англизча оркали таржума килиниб неча маротабадан босилиб тургон ўрус тилида тузук курук бир «таржумаи холи» йўк.

Ўрусча китобларнинг бозори ҳам жуда кизик: бир Тагўрнинг бир асари неча мутаржим томонидан неча хил таржума килиниб, хар ном билан босдирилиб чиқариларди. Чунончи, унинг кичкина адабий хикоялари энг аввал ўша хикоялардан биттасининг номи билан — «Бахтли кеча» бўлиб чикди, ундан кейин хикоялардан битта-яримтаси туширилиб ўрнига битта-яримта янгиси кўшулди-да, «Янги хикоялар» исми билан чикди,

энг охирида яна ўша хикояларнинг ўзлари ораларидан биттасининг бўлакча номи билан — «Ташна тошлар» бўлуб чикди... Унинг баъзи бир пьесалари ҳам ўрусча китоблар бозорига неча хил кийим кийиб чикдилар.

Тагўрнинг асарлари устида бўлгон бу хангама унинг ўз тўгрисида ёзилгон мулохазалар устида ҳам бўлуб келадилар. Чунончи: Францияда Тагўр билан Гандхини (Хинд миллатчиларининг бошлиги эди, вафот этди) севган бир адиб бор, исми Роман Роллан! Бу киши Тагўр билан Гандхини парасташ килар даражада яхши кўради. Унинг «Махатма Ганди» деган китоби Гандхи билан бирга Тагўрни ҳам осмонларга кутариб ёзилгон нарсадир. Ана шу одам Тагўрнинг франсузча босдирилгон асарлари учун узунгина бир мукаддима ёзиб берганким, у ҳам бошдан-оёқ макташ билан тўладир. Ана ўша мукаддимани Тагўрнинг ўрусча ноширлари «афандининг куши»дай келадилар. Яъни: биттаси у мукаддимани бутун холида босдирадир, бошқа биттаси унинг бош томонидан бирмунча жойини олиб кўйиб яширадир, яна битта чикиб ундан ҳам кўпрок тушуриб колдирадир-да, бир «чимдим» килиб босдирадир ва хоказо!..

Бу тўгрида яна битта асл (оригинални) мисол келтирай: 92-нчи йилда Москвада босилгон кимматбахо ва жуда яхши бир китоб бор, исми: «Хиндистон истиклол учун кураш йўлида». У китоб маколалар мажмуасидай бир нарса булуб Палўвич, Гўрку-Крашин ва Вельтман каби шаркиёт олимлари оралашконлар. Ўшанда Вельтманнинг «Тагўр ва Хиндистон» деган 26 сахифалик катта бир маколеси бор. Худди ўша маколанинг ўзи бош-оёғи бироз киркилгани холда мундан бир ярим-икки ойлар бурун «Ўттуз кун» (30 дней) деган ойлик бир мажмуада ҳам ўртоғимиз Вельтманнинг имзоси билан «Хинд тасвирлари» (Индийские силуэти) сарлавхаси остида босилиб чикди. Агар янглишмасам, ўша мазмун ва ўша мавхум мундан бир йилча бурун «Янги Шарк» (Новый Восток) мамжуасида ҳам яна ўша имзо билан ўтуб эди.

Узун сўзнинг кискаси шуким, Тагўрнинг асарлари ва ўзи устида бўлгон шунча хангамалар орасида унинг «Таржумаи холи»ни топиш жуда мушкул бўлда. Хатто Тагўрнинг ўзи ҳам ўз хаётига оид ёзгон «Хотиралар»ида бир адабий хикоя бошлагондай силлик ва текис бир шеър бошлаб кетадир-да, бизга лозим булгон «таржумаи хол» колаверадир. У «Хотиралар»ни бошдан-оёқ ўкусак, Тагўрнинг болалигидан тортиб сунгги вақтигача ўтказган ҳамма саргузаштини биламиз, лекин кайси йил тугулгонини яна билмай коламиз.

Тагўрнинг «Таржумаи холи»ини тузук-курук топиб ёзгон киши ўрусларнинг тил-адабиёт олимларидан Грузинскийдир. Унинг 1918 нчи йилда босилгон асари бор. Тагўрнинг 3—4 асаридан териб олингон шеърлар ўша Грузинский томонидан ўрусчага тизма (назм)

билан таржума килиниб босдирилгонлар. Таржума текис англарилик, равон, лекин оханги ва кофия-вазн зътибори билан, албатта, аслига тўгри келмайдир; буни мутаржимнинг ўзи ҳам айтиб ўтадир.

Ана ўша асарни, сўнгра Тағўрга оид ўрусчада босилгон бошка баъзи бир асарларни дастак килиб туриб бу сафар мен мажмуа ўкигувчиларига Тағўрнинг «таржимаи хол»ини тақдим килмокчи бўлдим.

ТАГЎР КИМДИР

1913 нчи йилгача на Оврўпо ва на Русия, дархакикат, Тағўр тўгрисида ҳеч нарса билмайдир, уни тақир ганимайдир. Хиндистонни хокима ва у ерга «маданият киргизувчи» бўлгон англизлар унинг тўгрисида ҳаммадан кўб ва ҳаммадан бурун, хаттоки Хиндистон билан баб-баробар билишлари лозим эди. Холанки англизларча «Мухит ул маориф» (энциклопедия)нинг 1911 нчи йилги босмахонасида ҳам Тағўр тўгрисида ҳеч нарса йўқ. Ўша «зўр» асарнинг «т» бобини бошдан-оёқ караб чиқинг, Хиндистоннинг тил ва адабиёти тўгрисида ёзилгон жуда кўб мақолаларни ўқуб чиқинг яна Тағўр тўгрисида ҳеч нарса топа олмайсиз. Холбуки, Тағўрнинг шеър майдонида ишлай бошлогонига ўша вақтда 30 йил бўлгон ва у ўз ватанида улуг шухратга эга эди.

Оврўпо уни биринчи маротаба 1913 нчи йилда танийдир. У йилда унинг «Гитанжоли» деган муножотлар мажмуасининг англизча таржумаси босилиб чиқади. У таржимани Яйтс номли бир англизнинг ёрдами билан шоирнинг ўзи қилгон. Асарга халиги англиз бир муқаддима ёзиб, шоирни асарини осмонларга кўтарадир ва хинд шоири тўгрисида кўпгина маълумот берадир.

Англизча таржумаи хол мажмуаларидан биттасининг 1915 нчи йилда берган маълумотига қарагонда, «Рабиндранат Тағўр» Калкутта дорилфунунининг адабиёт дўктиридир. 1861 нчи йилнинг 6 майида мағариш (аллома) Дибиндранат Тағўрнинг сулбидан дунёга келган Дорканат Тағўр деган шахзоданинг набирасидир. 1885 нчи йилда (24 ёшида) уйланган. Бир ўгли ва икки киз бор. Бангала вилоятида Болпур шахрининг яқинида Шанти Некитон деган жойда турадир.

Болалик ва ёшлиги Калкуттада ўтган. 1901 нчи йилда «Шанти некитон»да бир мактаб таъсис килди, у мактаб хозирга кадар унинг хаётида катта бир иш бўлуб келади. 1912 нчи йилда Англияни зиёрат килди ва «Гитонжоли» китобчаси англиз тилида босилиб чикди. 1913 нчи йилда Нўбилнинг адабиёт мукофотини олди. Бангала тилида 30 кадар тизма (шеърли) асарлар, 28 та сочма асарлар (хикоя, макола, нутк ва драмалар) бостириб чикарди. (*«Тағўр» — англизча айтилишидир. Асл бангалча хиндчаси «к» билан «Такўр»дир. Ч.*)

1913 нчи йилда ҳам англизча таржумаи хол мажмуаси мундан ортик маълумот бермайдир.

Тағўр кадим насли бир брахман оиласига мансубдир. Уоида Калкуттада «Тағўр» номли кўчада 150 йилдан кўпрок бир замондан бери истикомат килади. Тағўрлар оиласи кадим замонлардан бери Оврупо билан муносабат килиб, унинг урфонини ўрганиб келган, Рабиндранатнинг катта бобоси Дорканат Англия ва Францияга бориб, ўша вақтнинг кироллари (Виктория ва Луи Филипплар) билан кўришган. Ўз отаси «аллома» маъносида бўлгон «магариш» лакаби билан лакабланган. Ўзининг таржумаи холини ёзгон ва у асар англизчага таржума килиниб босдирилгон. Унинг бир биродари шуҳратли рассом бўлиб, хуналар Англиянинг расм кўргазмаларита чикади. Яна бир биродари Суриндрама Гун 1875 йилда Калкуттада хинд мусикаси тўғрисида англизча бир китоб босдирткон.

Тағўрнинг энг катта ва Шарк рухи билан Гарб асосини бирлаштирган асари «Шанти некитон»да очкон мактабидир. У мактаб 1901 нчи йилдан бери давом килади ва ўзи ўрмонлар орасида, отасининг ёлғиз қолиб ўйлашни севган жойида очилгондир. Дарахтлар орасига томи майса кўкатлардан ёпилгон олачиклар (капалар) тикилган, улар — шогирдларнинг ётоқхоналаридир; муаллимларнинг уйлари ҳам ўшанда, шогирдларнинг адади 200 га етади. Мактаб тамоман хинд тарзидади, ўқитгучи ва ўқигувчилар — кийим, яшаш, урф-одат ва англаш жихатидан асл хиндилардир. Дарслар очик хавода бўлади. У мактабга Англия ҳукумати моддий ёрдам бермакчи бўлгонда Тағўр рад килгон ва муниг сабабини шоирнинг ўзи бир зиёратчига тинч бир жилмайиш билан жилмайиб туруб, мана мундай кўрсатган: «Улар мениг болаларимни искамия (курси) ларда ўлтуришка мажбур килар эдилар, мениг фикримча улар дарахтлар остида ва бўйралар устида ўлтуруб ўкусалар яна, яхшироқдир». Мактабда шу миллий хусусиятлардан бошка бу кунги Гарб мактабларининг меҳнат ва мухторият асоси ҳам татбиқ килинади. Чунончи уй ишларининг ҳаммасини — то кир ювишгача болаларнинг ўзлари киладилар, рўзгор, хўжалик ишларини болалар орасидан сайлангон кўмита

бажарадир, мактаб мудирини ҳам муаллимлар ўз ораларидан сайлайлар. Тартиб ва интизомни катталар суди билан кичиклар суди амалга қўядир ва иккаласи ҳам сайланиб қўйиладир.

Тағўрга «ўлим»нинг зарбаси ҳам жуда каттиг бўлгон. Шунинг учун унинг асарларида «ўлим» тўгрисига қўб учратиладир. 1885 нчи йилда биродарининг хотини ўладир; 1902 нчи йилда хотини, ўгли ва кизи ўладир; 1905 йилда кичик ўгли ва отаси ўладир. 1918 да яна бир кизи ўладир.

Тағўрнинг шеърлари хаммаси дегундай куйли, куйлари — халк куйи. Унинг ҳар бир шеъри ўз куйи билан халк орасида ўкуладир, у ўз шеърларига куйлар ҳам топадир, нўта ҳам ёзадир. Бу улуг киши тўгрисида узунрок ёзишни бирорта жиддий асари ўзбекча чиқар вақтга қолдириб, бу сафар унинг бир ашуласини тизма йўли билан таржума қилиб берамиз (адабиёт бўлуида).

Тағўр ва тағўршунослик. — «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 1925 йил 11—12 қўшма сонида эълон қилинган.

Гандхи — Махандас Карамчанд (1869—1948) — Хиндистонда миллий озодлик курашининг раҳнаомаларидан бири, таникли мутафаккир. Хинд халқи уни «Махатма» (буюқ қалб) деб атаган.

«*Яитс*» — инглиз исмининг араб алифбосидаги ёзилишини шартли равишда қолдирилди. Чўлпон назарда тутган кишининг номини топишга муваффақ бўлолмадик.

«*Қадим насли брахма оиласи*» — Хиндистондаги табақаланишга қўра брахманлар олий табақа кишилари саналган бўлиб, улар катта имтиёзларга эга бўлганлар.